

**«АВИАСОЗЛАР ДЕХКОН БОЗОРИ» АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ  
БАЁНИ**

соат 11 -<sup>00</sup>

2025 йил 18 март

Овоз берувчи акциялар сони: 786477

Акциядорларнинг 2024 йил молиявий фаолияти якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Яшнабод тумани Бешариқ кучаси 1 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2025 йил 18 март кунини ўтказилди. Йиғилишда 686196 овозга эга 10 та акциядор катнашди, бу жами акциядорларнинг 87.2 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳукукига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Ш.Ш.Шомансуров – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи уринбосари.

Т.К.Камолов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, бош мутахассис.

Ғ.Х.Курбонов – «Авиасозлар дехкон бозори» АЖ директори в.б.

Реестр бўйича акциядорлар сони 551 та. 786477 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 10 та акциядор, 686196 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 87.2 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳар Хокимиятига тегишли акциядорларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи уринбосари Ш.Ш.Шомансуров юборилган.

Йиғилишда раисликни Ш.Ш.Шомансуров олиб борди.

Ш.Ш.Шомансуров йиғилиш ўтказиш учун кворум 87.2 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Н.А.Норхўжаев номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Ш.Ш.Шомансуров йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги хақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган А.А.Юсупов, Н.А.Норхўжаев, Б.Т.Сулаймоноваларини овозга қўйди.

Санок комиссияси юкоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Ш.Ш.Шомансуров умумий йиғилиш кун тартибига куйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият директори ва Кузатув кенгаши раисининг жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2024 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботларини эшитиш;
2. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш;
3. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари хисоб варағини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш;
5. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш;
6. Жамият директорини сайлаш хақида;
7. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;
8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

9. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

10. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;

Йиғилиш раиси Ш.Ш.Шомансуров кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул килинди.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент қуйидагича бўлиши хақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 10 минут, колган масалаларга 5 минут, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қуйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши хақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Ш.Ш.Шомансуров сўзни жамият директори Ғ.Х.Қурбоновга берди.

Ғ.Х.Қурбонов сўзга чиқиб, «Авиасозлар дехкон бозори» АЖ нинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

«Авиасозлар дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2024 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг барча бандларини бажарди.

Шундан;

Шундан; Жой ҳақи режаси 4 283 730.0 минг.сўм, амалда 4 308 807.0 минг.сўмга бажарилди. Хизмат ҳақи режаси 1 815 358.0 минг.сўм, амалда 1 805 930.0 минг.сўмга бажарилди. Автогўхташ жойи режаси 569 559.0 минг.сўм, амалда 556 521.0 минг.сўмга бажарилди, арава хизмати режаси 280 223.0 минг сўм, амалда 282 196.0 минг.сўмга бажарилди, тарози хизмати режаси 54 536.0 минг сўм, амалда 54 547.0 минг.сўмга бажарилди, хожатхона хизмати режаси 578 935.0 минг сўм, амалда 579 378.0 минг.сўмга бажарилди, қоровул хизмати режаси 332 106.0 минг сўм, амалда 333 288.0 минг.сўмга бажарилди, ижара ҳақи режаси 5 249 102.0 минг.сўм, амалда 5 281 519.0 минг.сўмга бажарилди, инфратузилма даромади режаси 1 595 583.0 минг.сўм, амалда 1 602 272.0 минг.сўмга бажарилган.

Жами даромадлар режаси 12 943 773.0 минг.сўм, амалда 13 112 528.0 минг.сўмга бажарилганлигини айтиб ўтди.

2024 йил бўйича соф фойда режаси 992 977.0 минг.сўм режалаштирилган бўлса, амалда 77 680.0 минг.сўм, режага нисбатан -519 052.0 минг.сўм. кам бажарилди.

Бу асосан қўйида келтириб ўтилган сабаблар эвазига юзага келган:

Яъни,

- Фойда солиғи - 266 482.0 (солик тўловларини ошиши ҳисобига)

- ИИБ хизмати - 210 795.0 (ходимлар сонини ошиши ҳисобига)

- Банк хизмати - 28 901.0 (кўрсатилган хизматлар ҳисобига)

- Солик - 1 027 918.0 (2024 йил давомида ҳисобланган пенялар)

- Яшнобод ЭТК - 26 950.0 (2023 йилда ҳисобланган пеня)

- “Узагросугурга” АЖ - 9 957.0 (сугурталаш полисига)

- “Тошкент шаҳар Сув Таъминоти” МЧЖ - 1 903.0 (туланган пеня)

- Яшнобод МИБ - 119 517.0 (2 % тўлов)

Жамиятнинг 2025 йил 1 январ ҳолатига дебиторлик қарздорлик 165 852.0 минг сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг 2025 йил 1 январ ҳолатига кредиторлик қарздорлик 9 191 088.0 минг сўмни ташкил этади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2024 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 91.5 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, яхши даражада деб топилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлис раиси Ш.Ш.Шомансуров сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2024 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг борниши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг хисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган хисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва ҳаражатлар сметасида белгиланган ҳаражатлардан ортиқ ҳаражатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2024 йил 14 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида маъқулланди, тасдиқлаш учун 2025 йил 18 мартдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроя органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашига бериб борилди. 2024 йил мобайнида "Авиасозлар деҳқон бозори" АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларига таништириб ўтди.

Шунингдек биринчи масала давомида жамиятнинг барча филиал раҳбарлари сўзга чиқиб мажлис қатнашчиларига бир йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда белгиланган режалар бажарилиши юзасидан ахборот бериб ўтдилар ва жамият томонидан берилган барча топшириқларни бажарганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош хисобчиси Г.Т.Ибрагимова хисобот берди.

Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан МЧЖ шаклидаги «ТЕZKOR-MALAKA-NATIJA» аудиторлик ташкилоти томонидан 2024 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, аудитори томонидан 2025 йил 14 мартда ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош мухосибни Г.Т.Ибрагимовага берди.

Жамият бош мухосибни Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятни 2024 йил молиявий – хўжалик хисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

«Авиасозлар деҳқон бозори» АЖнинг 2025 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси

**Бухгалтерлик баланси: форма № 1**

(минг сумда)

№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1	Асосий вос. бошланғич қиймати	14 255 583.0	Устав капитали	943 772.0
2	Эскириш	1 370 345.0	Захира капитали	3 059 407.0
3	Асосий воситалар қолдиги	12 885 238.0	Таксимланмаган фойда, зарар	77 680.0
4	Узоқ муддатли инвестиция	6 808.0	Бюджет бўйича қарзлар	6 337 955.0
5	Қимматли қоғозлар	4 308.0	Меҳнатга ҳақ тўлаш қарзи	0
6	Ишлаб чиқариш захиралари	144 356.0	Олинган бўнақлар	0
7	Келгуси давр ҳаражатлари	0	Солиқ ва бошқа маж. тўловлар	1 857 753.0

			бўйича кечик. мажбуриятлар	
8	Товар-моддий захиралар	144 356.0	Мол етказиб берувчилар ва тудратчиларга қарз	588 520.0
9	Пул маблағлари	69 693.0	Мақсадли давлат жамғармалар-ига тўловлар бўйича қарз	406 860.0
10	Дебиторлар жами	165 852.0	Кредиторлар жами	9 191 088.0
11	Бошқа жорий активлар	0	Шундан мудати ўтган	7 501 652.0
	<b>Актив бўйича жами</b>	<b>13 271 947.0</b>	<b>Пассив бўйича жами</b>	<b>13 271 947.0</b>

### Молиявий натижалар: форма № 2

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум	9 297 286.0	х	11 707 614.0	х
Сотишган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тан нархи	х	0,0	х	-
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	9 297 286.0	-	11 707 614.0	0
Давр харажатлари жами	х	9 249 341.0	х	11 115 208.0
Асосий фаолиятнинг бошқа даро.	75 305.0	х	0	0
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	123 250.0	0	592 406.0	0.0
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	0	х	0	х
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	123 250.0	0	592 406.0	0
Даромад (фойда) солигини тўлашга қадар фойда (зарар)	123 250.0	0	592 406.0	0
Фойда солиғи	х	24 650.0	х	514 726.0
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	98 600.0	0	77 680.0	0

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятда 2024 йил учун белгиланган даромадлар режасидаги 992 977.0 минг сўм соф фойда амалда 77 680.0 минг сўм этиб бажарилганлигини таъкидлаб ўтди.

Жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова 2024 йилда олинган 77 680.0 минг сўм фойдани 50 % 38 840.0 минг сўмни дивидент тўлашга, 5% яъни, 1 942.0 минг сўмни жамиятнинг захира фондига, қолган қисми 95 % яъни, 36 898.0 минг сўмни жамият аввалги йилларда қўрилган зарарни қоплашга йўналтириш таклиф этди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **бешинчи масала** буйича сўзни жамият директори Г.Х.Қурбонов жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова берди. Г.Х.Қурбонов сўзга чиқиб, жамиятни 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб жамиятнинг 2025 йил «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, 2025 йил 10 февралдаги жамият Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ жамият масъул ишчи-ҳодимларидан тузилган танлов ҳайъати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик Жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4720-сонли Фармони ижроси юзасидан жамият ижро этувчи орган раҳбари (директор) лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилди.

Ижро этувчи орган раҳбари (директор) лавозимига нисбатан қўйилган малака талаблари кўрсатилган ҳолда рўзномага, жамият веб сайтыга, корпоратив ахборот ягона портали

(openinfo.uz)га эълон берилди. Танлов 2025 йил 10 февралдан – 2025 йил 4 март кунига қадар давом этгани тўғрисида маълумот берди.

Танлов давомида жамият Қурбонов Ганишер Хужаназарович ижро этувчи орган раҳбари лавозимига ўз номзодлиги бўйича таклифини бердилар.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият акциядорлари сони беш юздан кўп бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 7 кишидан иборат бўлишligини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2023 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича «TEZKOR-MALAKA-NATJA» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда -171 “паст” баҳо берилганлиги, фонз шкала -14 % ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **тўққизинчи биринчи масала** юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. «NAZORAT AUDIT» МЧЖ - 15 000 000 сўм.
2. «GREAT FOURS» МЧЖ - 15 000 000 сўм.
3. «TEZKOR-MALAKA-NATJA» МЧЖ - 11 240 000 сўм.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги боис янги ишлаб чиқилган ташкилий тузилма лойиҳаси билан таништириб ўтди ва тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси А.А.Юсупов ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёклайман»		«Қаршиман»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Хакикий эмаслар	
1	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
2	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
4	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
5	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7.1	А.А.Раззаков	686196		0	0	0	0	0	0	0	0
7.2	Р.А.Арифов	686196		0	0	0	0	0	0	0	0
7.3	А.А.Акрамов	686196		0	0	0	0	0	0	0	0
7.4	М.Р.Каримов	686196		0	0	0	0	0	0	0	0
7.5	Ж.Х.Бойсинов	686196		0	0	0	0	0	0	0	0
7.6	С.Ю.Каримов	686196		0	0	0	0	0	0	0	0
7.7	Т.Х.Дониёров	686196		0	0	0	0	0	0	0	0
8	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Масала	686196	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0

### Қарор қабул қилади.

1. «Авиасозлар деҳқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

2. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти МЧЖ шаклидаги «TEZKOR-MALAKA-NATIJA» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2025 йил 14 мартдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси инобатга олинсин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

3. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

4. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин.

4.1. 2024 йилда олинган 77 680.0 минг сўм фойдани 50 % қисми, яъни 38 840.0 минг сўми дивидент тўлашга йўналтирилсин, бунда 1 дона акцияга 49,384 сўм дивиденд эълон қилинсин, соф фойдани 5% қисми яъни, 3884,0 минг сўми жамиятнинг захира фондига, қолган қисми 45 % яъни, 34 956,0 минг сўми жамиятни ривожлантиришга йўналтирилсин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

5. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисидаги тегишли қарори жорий этилган тақдирда ёки бошқа заруриятга қараб, “Даромадлар ва харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш ваколати Кузатув кенгашига берилсин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

6. Жамият директори этиб Курбонов Ғанишер Хужаназарович сайлансин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

6.1 Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонун талабидан келиб чиқиб, жамият директори

Ғ.Х.Курбоновнинг меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилсин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

6.2. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

7. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

- 7.1. Раззақов Аҳад Анварович (жамият устав фондининг 87,11 % акциядори ҳокимият вакили) 686196 - та овоз
- 7.2. Арифов Равшан Абдуллаеввич жамият устав фондининг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 686196 - та овоз
- 7.3. Акрамов Акбаржон Акмал ўғли жамият устав фондининг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 686196 - та овоз
- 7.4. Каримов Малик Рахимович жамият устав фондининг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 686196 - та овоз
- 7.5. Каримов Сардор Юлдашбаевич жамият устав фондининг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 686196 - та овоз
- 7.6. Бойсинов Жасур Хасанович жамият устав фондининг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 686196 - та овоз
- 7.7. Дониёров Тоҳир Холмуродович (мустақил аъзо) 686196 - та овоз

8. Жамият «TEZKOR-MALAKA-NATIJA» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -171 “паст” баҳо, фоиз шкала -14 % баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

9. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «TEZKOR-MALAKA-NATIJA» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 11 240 000 сўм миқдори этиб белгилансин (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (ёқлаган 686196 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

Баённома имзоланган сана: «\_\_» март 2025 йил.

Мажлис раиси

Мажлис котиби



Ш.Ш.Шомансуров

Н.А.Норхўжаев